*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 241 (5232)
22 ОКТЯБРЬ 1983 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Саноат ходимлари! Аҳоли учун керакли моллар ишлаб чиқаришни оширингиз, турларини янгилангиз ва сифатини яхшилангиз!

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш—халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишидир!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

**тонгги газеталарда**

● 1983 йил октябрь ойининг охирларида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучлари ҳарбий кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлади.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 21 октябрда Берлиндан Москвага қайтиб келди. У Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг ишида қатнашди.

● Афғонистон Демократик Республикаси жамоатчилиги вакилларининг катта бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Афғонистон жамоат арбоблари Фарғона водийсидаги шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар.

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг Софияда бўлиб ўтган мажлиси якунлари тўғрисида ўртоқ А. А. Громиконинг ахборотини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлиси Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Европани ядро хавф-хатаридан халос этиш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга азму қарор берганликларини тасдиқлади. АҚШ ва унинг НАТОдаги баъзи иттифоқчиларининг яқин вақтлар ичида Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарини жойлаштиришга киришиш нияти ана шундай хавф-хатар солмоқда. Социалистик мамлакатлар ўзларининг якдиллик билан қабул қилинган қарорида халқларнинг хоҳиш-иродасига хилоф суратда ядровий қуролланиш пойгасини янада кучайтириш ва сиёсий мухолифликни авж олдириш йўлидан бораётган барча кимсаларни огоҳлантирдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўртоқ А. А. Громиконинг ўртоқ Э. Хонеккер билан учрашуви тўғрисидаги ахборотини маъқуллади. А. А. Громико ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан олиб борган музокаралари ҳақида, шунингдек Австрия Республикасининг раҳбар арбоблари билан ўтказган суҳбатлари тўғрисида Сиёсий бюрога ахборот берди.

И. А. Лихачев номли Москва автомобиль заводида ва Горький автомобиль заводида юк автомобилларининг ва улар учун дизель моторларининг янги моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида СССР Министрлар Советининг таклифлари маъқулланди. 1984—1988 йилларда Ватан саноати ишлаб чиқараётган ва қардош социалистик мамлакатлардан кооперация асосида етказиб берилаётган замонавий технологик ва инженерлик машина-ускуналарини жорий этиш негизида шундай автомобиллар ишлаб чиқаришни авж олдириб юбориш мўлжалланмоқда. Янги дизель юк машиналарининг унумдорлиги ва тежамлилиги ҳозирги мавжуд автомашиналарга қараганда анча юқори бўлади.

Сиёсий бюро ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда Грузияда электр энергетикани жадал ривожлантириш тўғрисида республика Компартияси Марказий Комитети киритган таклифни қўллаб-қувватлади. Бу ерда бир қанча электр станциялар, шунингдек электр линияларини қуриш ва уларни реконструкциялаш кўзда тутилмоқда. Белгиланган программани амалга ошириш Закавказье энергетика системаси ишидаги эпчиллик ва барқарорликни кучайтириш, истеъмолчиларни энергия билан пухта таъминлаш ва Грузия ССР саноати ҳамда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида келгуси йилнинг иккинчи ярмида матлубот кооперациясида ҳисобот ва сайлов ўтказилиши муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ҳозирги вақтда матлубот кооперацияси 60 миллиондан кўпроқ пайчини бирлаштириб, мамлакат жамики чакана товар оборотининг қарийб учдан бир қисмини таъминламоқда. Сиёсий бюро шуни таъкидладики, матлубот кооперациясидаги ҳисобот-сайлов кампанияси кооператив ташкилотларнинг иши амалий равишда ҳар томонлама муҳокама этилишига, уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ташаббускор ва малакали кадрлар билан мустаҳкамланишига, савдо-сотиқни, тайёрлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, товар ресурсларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳамма томонларини янада яхшилаш юзасидан планлар ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашни кучайтиришга ёрдам бериши керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатга доир бошқа баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида пахта териш ва тайёрлашнинг боришини кўриб чиқди. Хоразм ва Тошкент областлари, Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари яхши ишлаётганликлари қайд этилди. Шу билан бирга Жиззах, Сирдарё ва Фарғона областлари хўжаликларида йиғим-терим қониқарли ташкил этилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур областларда терим техникасидан, меҳнат ресурсларидан дуруст фойдаланилмаяпти. Область, район партия комитетларига, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларига, агросаноат бирлашмаларига, хўжаликларнинг раҳбарларига пахта териш ва тайёрлаш суръатларини кучайтириш, барча терим техникасини ишга солиш, мавжуд бутун меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш вазифаси топширилди. Бюро республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Госкомсельхозтехника»нинг барча бўлинмаларига далалардаги терим машиналарига кўрсатиладиган техника хизматини пухта таъминлаш, агрегатлар ремонтини ўз вақтида ташкил этиш, техниканинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик мажбуриятини юклади. Пахта тозалаш саноати министрлигига пахтани ҳар қандай об-ҳаво шароитида узлуксиз қабул қилиб олиш, барча қуритиш, тозалаш цехларининг кеча-кундуз ишлашини ташкил этиш, тайёрланган бутун ҳосилнинг зарур даражада сақланишини таъминлаш топширилди.

(Давоми иккинчи бетда).

## И. В. КАПИТОНОВ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов 21 октябрь куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида И. В. Капитоновни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари кузатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

# ХАЛҚ УЧУН МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

## РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ КЕНГАШИДАН

Республика партия-хўжалик активининг 21 октябрда бўлиб ўтган кенгашида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди. Кенгашда область ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Н. Ж. Худойбердиев** халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида доклад қилди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Озиқ-овқат программаси билан комплекс равишда хизмат доирасини кенгайтириш, деди докладчи, партия социал программасининг марказий қисми ҳисобланади. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларида, ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг нутқларида шу ғоят муҳим вазифанинг умумдавлат аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар системаларини комплекс ривожлантириш программасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарори партия совет халқининг фаровонлигини ошириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилинаётганлигининг янги ифодасидир. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1983—1985 йилларда аҳолини халқ истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилаш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори совет кишилари фаровонлигининг реал ўсишини таъминлашга қаратилган.

Ана шу ҳужжатлар жиҳатидан олганда Ўзбекистон ССР олдида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш учун резервларни янада излаш ва улардан фойдаланиш борасида масъулиятли вазифалар турибди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми шу йил умуман республика территориясида давлат планидан ташқари 350 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабларини қондириш билан боғлиқ масалалар эндиликда партия, совет ва хўжалик органларининг ишида асосий ўрин тутмоқда, унга энг биринчи партиявий иш деб қаралмоқда. Натижада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш анча яхшиланиб ,меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, эскирган машина-ускуналарни алмаштириш катта программаси амалга оширилмоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи бир қанча катта замонавий корхоналар ишга тушди. Бўш меҳнат ресурслари бўлган кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда филиал ва цехларни ташкил этиш ишлари кенг қулоч ёйди. Эндиликда бундай филиал ва цехлар 400 тадан ошиб кетди. Уйда ишлаш, пенсионерлар ва уй соҳибаларини мол ишлаб чиқаришга жалб этиш кенгайди. Бугунги кунда 1126 саноат корхонаси ҳамда 1500 колхоз, совхоз халққа моллар ишлаб чиқармоқда.

Бирлашмалар ва корхоналарнинг фаолияти талаб-эҳтиёжлар ҳозирча тўла-тўкис қондирилмаётган молларни ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Болалар ассортиментидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш 1980 йилга нисбатан 1,8 баравар, спорт моллари 31 процент ортди.

Якун чиқарар эканмиз, деб таъкидлади докладчи, бу ишларни ҳали қилиниши лозим бўлган катта ишларда биринчи қадам, бошланғич босқич деб қарамоғимиз лозим.

(Давоми учинчи бетда).

## Ўртоқ И. В. КАПИТОНОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Активларга ва сизлар орқали Ўзбекистон коммунистларига, барча меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповдан қизғин салом, меҳнатда муваффақият, омонэсонлик ва бахт-саодат тилаб билдирилган энг эзгу истаклар топширишга ижозат бергайсиз.

Партиямиз билан давлатимиз совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг бунёдкорлик меҳнати учун тинч шароитларни таъминлаш йўлини қатъият билан ўтказмоқда. КПССнинг бутун ички ва ташқи сиёсати шу ҳақдаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

Шу кунларда биз ўртоқ Ю. В. Андропов Баёнотининг унутилмас таассуроти билан яшамоқдамиз. Коммунистлар, барча совет кишилари бу Баёнотни якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар. Унда баён этилган ҳамма қоидалар тўла-тўкис қўллаб-қувватланди. Баёнот халқимизнинг ватанпарварлик шижоатини кучайтирди ва уни янада кўпроқ жипслаштирди. Уруш оловини ёқувчиларнинг кирдикорларига жавобан совет кишилари мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга қаттиқ бел боғлаганликларини изҳор қилмоқдалар.

Партия Марказий Комитети КПСС XXVI съездининг, Марказий Комитет 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларини амалга ошириш соҳасида қизғин иш олиб бормоқда. Экономикани интенсив ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлига ўтказиш, бошқарувни такомиллаштириш, давлат, план ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мамлакат халқ хўжалиги муттасил, барқарор ривожланмоқда. 1983 йилда саноатни ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг беш йиллик дастлабки икки йилига нисбатан анча юқори суръатлари таъминланмоқда. Об-ҳавонинг ҳар қандай инжиқликларига қарамай, қишлоқ хўжалигида ҳам ижобий силжишлар бор. Ялпи дон ҳосили бултурги кўрсаткичлардан ошиб кетди. Чорвачилик маҳсулотини харид қилиш планлари ошириб бажарилмоқда. Ҳозир СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги плани лойиҳасини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда. Халқ хўжалигини ривожлантиришдаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, унинг самарадорлигини, совет кишиларининг турмуш даражасини янада оширишни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Хуллас, беш йиллик ўрталарида бизнинг олға томон қилаётган ҳаракатимиз бирмунча жадаллашди.

Ўзбекистон Совет республикаларининг қардошлик оиласида муваффақиятли ривожланиб бормоқда, деди сўнгра И. В. Капитонов. Меҳнаткашлар республика партия ташкилоти раҳбарлигида нақадар катта ишларни амалга оширганликларини ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қила олдик. Эндиликда Ўзбекистон — қудратли индустрия ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги республикасидир. Кенг шохобчали саноат 100 дан ортиқ тармоққа эга бўлиб, хилма-хил маҳсулотларни, шу жумладан самолётлар ва энг мураккаб приборларни ишлаб чиқармоқда. Бошқа Совет республикалари каби Ўзбекистон маданиятининг равнақини характерлайдиган чинакам зўр муваффақиятларга эришилди.

Тошкент таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. У 2000 ёшга кирган бўлишига қарамай, навқирон, замонавий шаҳар қиёфасини олиб турибди. Уни қайта тиклашда совет кишилари жуда катта интернационал ёрдам бердилар. Ҳозир бу шаҳар машинасозлик, электроника ва саноатнинг бошқа бир қанча етакчи тармоқлари марказидир. Барча республикалардан келган меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтидан қувончли таассурот олиб кетмоқдалар. Тошкент ёзувчилар, олимлар, тинчлик курашчилари, кино санъати арбобларининг халқаро анжуманлари ўтказиладиган жой бўлиб қолди. Шаҳарнинг хизматлари ҳақли равишда ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Республика бўйлаб қилинган сафарда одамлар билан учрашув ва суҳбатлардан ғоят мамнун бўласан, киши. Коллективлардаги ишчанлик вазияти, меҳнаткашларнинг яхши кайфияти эътиборни ўзига тортади. Улар партиянинг сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг самарали фаолиятини бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар.

Бугунги партия-хўжалик активларининг кенгашида илгари қабул этилган қарорларнинг бажарилишини контрол қилиш тартибида актуал масала муҳокама қилинмоқда, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Кенгашга аҳолининг молларга бўлган эҳтиёжи қондирилишини таъминлаши лозим бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилган. Шу боисдан ҳам ишчанлик билан конкрет равишда гаплашиб олинмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси муҳокама этилаётган масаланинг муҳимлигига ва бу масалани ҳал этишда Ўзбекистон ўйнаётган ролга мувофиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, унинг бюроси, республика партия, совет, хўжалик органлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига кўп эътибор бермоқдалар. Марказий Комитет Пленумларининг талаблари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг халққа керакли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги йўл-йўриқлари асосида республика партия, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вазифалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида муҳокама қилинган. Шу молларни ишлаб чиқариш қай аҳволда эканлиги чуқур таҳлил қилиниб, яхши қарор қабул этилган. Шу қарорни бажариш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Қилинаётган иш дуруст натижалар бермоқда. 1975 йилга нисбатан республикада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баравар кўпайиб, 9 миллиард сўмликка етди. Оғир саноат, машинасозлик корхоналарининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Кейинги 7 йил ичида республикада маданий-маиший моллар ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар, маҳаллий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 баравар кўпайди. Қисқа муддат ичида янги тармоқлар, жумладан, саноат усулида гилам ишлаб чиқариш, замонавий мебель, мураккаб рўзғор техникаси, чинни-фаянс ва сирланган идишлар, рўзғор химияси маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бўш меҳнат ресурслари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда, район марказларида ва қишлоқ аҳоли пунктларида йирик корхоналарнинг филиалларини қуриш халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантиришдаги самарали йўналишларнинг бири бўлиб қолди. 1976—1982 йилларда тўрт юздан кўпроқ филиал барпо қилинди. Бу иш республика партия ташкилотининг хизматидир, шахсан ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг хизматидир. Бу — оммалаштирса арзийдиган, иқтисодий жиҳатдан асосланган илғор тажрибадир.

Ҳозирги беш йилликда умуман моллар ишлаб чиқариш соҳасидаги иш дуруст давом этмоқда. Республика шу беш йилликнинг қолган даври учун пландан ташқари 1,2 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш юзасидан юксак мажбуриятлар қабул қилган.

Бу ҳол бошқа республикалар учун ҳам баб-баравар характерлидир, бу эса ҳозирги вақтда бозорни кўпгина турдаги моллар билан таъминлаш имконини беради. Мана шундай шароитда саноат ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда, энди маҳсулот турларини муттасил янгилаш ва сифатини ошириш проблемалари биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, сифат — ҳозирги кунда аҳолини моллар билан таъминлаш бутун проблемасининг ўзагидир.

(Давоми иккинчи бетда).

## Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Ўртоқлар!

Совет халқининг бахт-саодати ҳақида, унинг моддий ва маданий даражасини муттасил ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ленинчи партиямиз фаолиятининг олий қонунидир. Ҳозир партия нимаики қилаётган бўлса, келажак учун қандай режалар тузаётган бўлса, буларнинг ҳаммаси совет кишилари учун, уларнинг фаровонлиги ва бахт-саодати учун хизмат қилади.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, уларнинг сифатини яхшилаш халқ турмушини яхшилашнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорларида, Юрий Владимирович Андроповнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидаги нутқида биринчи даражали иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифа — «Б» группа тармоқларининг тез юксалишини таъминлаш, халқ учун керакли моллар ишлаб чиқаришда жиддий силжишларга эришиб, миқдор билан бирга сифатни ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш проблемаларини ҳам ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Республикамизда бу соҳада муайян иш қилинди. Ўн биринчи беш йилликда Қорақалпоғистон АССРда, республиканинг ҳамма областларида калава ип, ип-газлама, ип ва шойи газлама, мебель, идишлар, тикувчилик буюмлари, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган бир қанча катта-катта корхоналар, цехлар ва филиаллар ишга туширилди.

Енгил саноатни ривожлантириш учун икки йил ичида бутун ўнинчи беш йилликдагига қараганда кўпроқ асосий фондлар ишга туширилди. Тўқимачилик тармоғи, айниқса, тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу давр ичида хом ип газлама ишлаб чиқарувчи қувватлар икки ҳисса кўпайди.

Корхоналар реконструкция қилинди ва техника билан қайта қуроллантирилди. «А» группа корхоналарида маданий-маиший моллар ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш ҳажмлари муттасил ортмоқда. Шу йилнинг ўзида юзга яқин корхона халққа керакли моллар ишлаб чиқаришга жалб этилди.

Кўпгина министрликлар, идоралар ва корхоналар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг энг зарур ва оммавий равишда талаб қилинадиган моллар ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажармоқдалар.

Бухоро, Андижон, Тошкент областларининг, Тошкент шаҳрининг саноати, республика Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Газ саноати министрлигининг, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати ва Мебель саноати министрликлари, «Союзмашхлопководство», «Узбекнефть» ва «Узбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент лакбўёқ заводи, Қўқон «Большевик» заводи ва бошқа корхоналар бир маромда ишламоқда. Тўққиз ойлик пландан ташқари 158 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Икки минг турдан ортиқ маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. «Янгилик» белгиси қўйилган ва чиройли гуллар солиб безатилган буюмлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Кейинги вақтларда умуман Енгил саноат министрлигининг, Мебель саноати министрлиги ва Маҳаллий саноат министрлигининг маҳсулот сифати бирмунча яхшиланди. Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмаси ҳозир ўз маҳсулотининг 63 процентини, Самарқанд «8 Март» бирлашмаси 36,3 процентини давлат Сифат белгиси қўйиб чиқармоқда.

«Тошкент» мебель бирлашмасида, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация бирлашмасида, бадиий буюмлар фабрикасида, Олмалиқдаги гилам фабрикаси, Қўқондаги пойабзал фабрикаси, Бухоро зардўзлик фабрикасида ҳамда бир қанча бошқа бирлашмалар ва корхоналарда давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар чиқариш кўпайди.

Партия, совет ташкилотлари ва хўжалик органларининг саботли иши туфайли беш йилликнинг ўтган даврида халққа керакли моллар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди, пландан ташқари 760 миллион сўмлик мана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари 22,7 процентни ташкил қилди ёки белгиланган топшириқдан 6,4 процент кўпайди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида халқ истеъмол қиладиган молларнинг салмоғи ўтган йилга нисбатан 5 процентдан зиёд кўпайди.

Биз хом ашё ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак, деб ҳисоблаймиз. Кўпгина министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар ишлаб чиқариш чиқитларидан ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш ташаббусини кўтариб чиқмоқдалар, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини бермоқда.

Республика пахта тозалаш саноатида пахта толаси ва линт ўраш учун 18 миллион квадрат метрдан кўпроқ ип ва каноп газлама ишлатилмоқда. Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги Москва, Хонқа ва Учтепа пахта заводларида чиқиндилардан нотўқима материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, мутлақо тўғри иш қилди. Ҳозир шу нотўқима материаллардан пахта маҳсулотини ўраш учун кенг фойдаланилмоқда.

Андижон область маҳаллий саноат бошқармаси ёдгорлик буюмлари тайёрлайдиган корхона ташкил этди. Шиша чиқиндилари бунинг учун хом ашё бўлиб хизмат қилмоқда. Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Чирчиқ шаҳридаги шиша заводида синган шишадан тайёрланаётган шиша идиш аҳолига манзур бўлмоқда.

Енгил, Маҳаллий, Мебель саноати, Ўрмон хўжалиги, Машинасозлик министрликларининг, республика Госснабининг корхоналарида маҳаллий хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида анчагина иш қилинмоқда.

Ҳар бир область, районда қанчадан қанча чиқинди, қанчадан қанча маҳаллий хом ашё бор, биз улардан омилкорлик билан фойдаланаётганимиз йўқ. Бу резервлардан фойдаланишда кўпроқ ташаббускор бўлишни, халққа керакли моллар ишлаб чиқаришни қатъият билан кўпайтиришни турмушнинг ўзи талаб қилмоқда.

Биз эришилган натижаларни муносиб баҳолаш билан айни бир вақтда оммавий равишда талаб қилинаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва турларини кўпайтириш йўлида илк қадамларгина қўйилганини равшан англаб турибмиз. Халқ истеъмол қиладиган кўпгина турдаги моллар ишлаб чиқариш даражаси, уларнинг сифати ҳали аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондираётгани йўқ.

9 ойлик иш якунлари планлар ва қўшимча топшириқлар айрим жойларда бажарилмаётганидан далолат бериб турибди. Баъзи областлар, министрликлар ва идоралар бизга панд берганликларини ва панд берганда ҳам жуда қаттиқ панд берганликларини рўй-рост, ошкора эътироф қилмоқ керак.

Хоразм области халқ истеъмол молларини планда белгиланганидан 17 миллион сўмлик, Сирдарё ва Қашқадарё областлари 8, Навоий области 1,4 миллион сўмлик, республика Маиший хизмат кўрсатиш министрлиги 4,7 ва Балиқ хўжалиги давлат комитети 1 миллион сўмлик кам берди.

Қолоқлар орасида Хива гилам комбинати, Самарқанд холодильник заводи, Олмалиқ рўзғор химияси заводи, Шўрчи ун комбинати, Фарғона ёғ-мой комбинати, Наманган ёғ-экстракция заводи, Нукус мебель фабрикаси ва Бекобод металлургия комбинати бор, улар 40 миллион сўмлик маҳсулотни кам бердилар.

(Давоми иккинчи бетда).

